

ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР. УНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТОТУВЛИГИ, ТИНЧЛИГИ, МИЛЛАТЛАРАРО ЖИПСЛИГИ ВА ҲАМЖИХАТЛИГИ УЧУН КУРАШИШ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР.

O'zbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 24 AVGUST PAYSANBA № 97 (26.647)

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚАТЪИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг хабар беришича, халқаро террорчиликка қарши кураш масаласида Хитойнинг қарашлари аниқдир. Хитой ташқи сиёсат мақамаси Ўзбекистон Ислом ҳаракати жангариларининг Ўзбекистон ва Қирғизистонга бостириб киришини кескин қоралайди. ХХР Марказий Осиё давлатлари билан утта

агентлигининг хабар қилишича, ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг баёнотида куйидаги фикр билдирилган: «Биз Марказий Осиё давлатларининг халқаро террорчиликка қарши саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлаймиз ва мазкур уч ёвузликни яқсон этши, минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда улар билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёригимиз.»

Утган беш йил давомида «Шанхай бешлиги» доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик юксак натижалар берди, деди ХХРнинг Қозғонистондаги собиқ элчиси, ҳозирги кунда Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё департаменти директори Ли Хуэй. Бу ҳамкорлик қуроли кучларни қисқартириш ва чегарадош ҳудудларда ҳарбий ишонччи мустаҳкамлаш тўғрисидаги битимни имзолашдан бошланган. Шундан сўнг беш томонлама форум аста-секин хавфсизлик, иккисоний ва маданият масалалари билан ҳам шуғуллана бошлади. Беш давлат раҳбарлари саммитлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизмат раҳбарлари, муҳофаза ва

Бугун халқнинг диққат-эътибори телевидениеда, радиода. Матбуотни юртдошларимиз мунтазам кузатишмоқда. Ганнимларга нисбатан нафрат ва газобини яширолмастлар. Айниқса, кунни кеча Юртбошимизнинг Сароисиё ва Узун туманларида бўлиши жангчиларимизни янада руҳлантирди. Халқимиз юрт тақдирини ишончли қўлда, шу Ватан учун жонини фидо қилахак ўғлонлар ҳимоясида эканлигига ана бир қарра ишонч ҳосил қилди.

ЎЗИНГ ОЧДИНГ УРУШ ОЛОВИН, ЎЗИНГ УНДА ЁНГАЙСАН МАЛЪУН!

ВАТАНИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ! КУНИ КЕЧА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ИСЛОМ КАРИМОВ СИЗНИНГ САФИНГИЗДА ТУРДИ, СИЗГА ҚУРОЛДОШ БЎЛДИ

Уруш кўрган одам сифатида ҳаёлимдан бир ўй ўтди: Юртбоши аскарларимиз сафида бўлди — у киши жангчилар ёнида турибди, у киши жангчиларимиз билан қўролдош! Менимча, ҳар бир жангчининг ҳаёлида ана шу кўтаринки ўй мавжуд.

Очиғи, босқинчилар Сароисиё ва Узун тоғларида пайдо бўлгандан бери тинчлик йўқолган. Узоқ йиллар мактабда раҳбар бўлиб ишлаганман. Лекин асабларим ҳозиргидек қақшаган эмас. Яна бу ҳаромиларнинг етакчиларидан бири Тоҳир Йўлдош дегани мен

ОНАЛАР ҚАСОС СЎРАЙДИ

нинг шаҳримдан эканлиги газобини кўзгайдиди. Имкон бўлса-ю, ўша ҳаромиларнинг йўлига тўғоноқ бўлиб, оналарни, жувонларни қон йўғлатганларга лаънат йўғисам ва қўларини ўйиб олсам.

оёқости қилдириб қўярсанми. Наманган шаҳрининг оналари шу фикрдамиз. Нияти қоралар гўрга кириши аниқ.

■ **Ҳоҷалхон ФАТХИДДИНОВА, Наманган шаҳар «Бурамаут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

ГАЗАНДАЛАР ТЎДАСИГА ЎЛИМ

Ҳали ҳам бизнинг улқадаги тинч-тотувликни қўролмайдиған ёвузлар кўп экан. Уйлайманки, улқамизнинг жанубида кўпорувилик ҳаракатларининг содир этилиши ҳар биримизни ҳушёрликка ундайди.

■ **Боқижон ФОЗИЛОВ, Зангиота тумани «Наврўз» ширкат хўжалиги раиси.**

Энди, одамга таъсир қиладигани, бу юртбузарлар ўз элимиздан чиққани бўлди. Қарағ, не-не азамат ўғлонларимиз Ватанимизни, халқимизни ҳимоя қиладман деб шаҳид кетишди. Алломиш келбат йиғитларимиз қасос ўтида қолган-қутганларини ер тишлатиб, мурдаларини тупроғимиздан суриб ташлашмоқда. Элимизнинг бошидан қадимда ҳам бундай воқеалар ўтган. Лекин ҳамиша розий бўлганмиз. Давлатимиз қудратли, юртбошимиз доно, бизни ҳеч ким енголмайди.

■ **Эшмурод ТОШМУРОДОВ, 90 ёшда, пенсионер, Бахмал тумани, «Кўшчинор» давлат хўжалиги.**

Бировнинг дилини оғритганини иши унгламайди. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашини қўролмаган бетовфиқ кимсалар юртимизга ўз ўлимини излаб келган. Бу юртнинг тупроғига қора ниятда келганлар омонлик топмаган, топмайди ҳам. Ватанимизнинг истиқболига, мустақиллигимизга раҳна соламан, деганлар янглишадилар.

■ **Жўра ҚУРБОНОВ, пенсионер, Шаҳрисабз тумани, «Гулистон» ширкат хўжалиги.**

НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

Бир болага етти маҳалла ота-она, дейди халқимиз. Гапни узокдан бошлаганим бежиз эмас. Ўзига Жума Намангоний, деб ном қўйиб олган хоин бизга ҳамқишлоқ бўлади. Азиз қишлоғимиздан шундай босқинчи чиққанига афсусдамиз, ҳижолатдамиз. Унинг нимаси Намангоний, шунисига доғман. Юртнинг номини исмига қўйган одам, аввало шу юртга бебаҳо хизматлар қиладди, халқини тўғри йўлга бошлайди, ободлик ва осойишталик учун жонини жабборга беради. У-чи, бир жиноятчи, бировга малайдек ёлланиб, ўз Ватанини қонга ботирмоқчи ният қилган хоин-ку! Кўп жиноятларни қилиб қўйиб, сиққонинг ини минг танга қабилда қочиб қолган ватанфуруш-ку!

■ **Нуриддин РАҲМОНОВ, Наманган тумани «Хўжақишлоқ» қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси.**

Тогларда Ватанимизни ҳимоя қиладиган ҳарбийларимиз сафида юриб воқеа жойидан хабар бераётган ҳамкасбларимизнинг эчкилиги, илдамлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Биз ўз муҳбирларимиз билан соат сайин боғланиб, етарлича маълумот олиб турибмиз. Таҳриратимизга кетма-кет кўнрироқлар бўлаётти — юртдошларимиз ёнга ўлим истаяпти. Қасос ўтида ёнишмоқда. Кўллаб мактублар келаяпти. Уларда ҳар бир юртдошимизнинг Ватан ҳимоясига шайлиги акс этади. Халқ оёққа турди. Газанданин кунни битиши аниқ. Қолган-қутган қақширлар ўғлонларимиз ўқидан қочиб қўтила олмайдди.

Ҳарбийларимизга халқ елкадош!

Душман бунни англамай хато қилди — ниҳоят авбисиз зарбага учраб, ўлим топмоқда. Ганнимлар ва уларнинг раҳнамолари бундай кучқудрат, бундай шижоатдан талвасага тушмоқда. Энди кеч. Қонқўрлар ўз қонига гарқ бўлмоқда. Улар бу ердан сог-омон чиқиб кетолмайди.

Ҳарбий ўғлонларимиз халқ даъватидан куч-қудрат олмоқда.

Уз она-замини, ота-масканидан шижоат олмоқда. Уларнинг батинида минг ганимин йиқар куч бор. Ёнда нима бор? Ёна нимага суняди?! Ватанимиз сарҳадини қатлаб ўтган иблислар кимлариндир қўлидаги қўрол, холос. Кимга, нимага қаратилганини англамайдилар.

■ **Жўра ҚУРБОНОВ, пенсионер, Шаҳрисабз тумани, «Гулистон» ширкат хўжалиги.**

■ **Жўра ҚУРБОНОВ, пенсионер, Шаҳрисабз тумани, «Гулистон» ширкат хўжалиги.**

■ **Жўра ҚУРБОНОВ, пенсионер, Шаҳрисабз тумани, «Гулистон» ширкат хўжалиги.**



ВАТАН БЕРИДМАГАЙ

АХБОРОТ
Вакolatли органларнинг маълумотларига кўра, сўнги ҳафта мобайнида Ўзбекистон ҳудудига Тожикистоннинг Ленинобод вилояти ҳудудидан 15 кишидан иборат босқинчилар гуруҳи кириб келган.

Босқинчилар Тожикистоннинг Ашт тумани, Наугардон дони ва Чотқал тизмаси этеклари орқали Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига кириб келган, деб тахмин қилинмоқда. Босқинчилар Ўзбекистоннинг Бўстонлиқ туманидаги чегара ҳудудига кузатува олиб бораётган чегарачилар гуруҳига қўролли ҳужум уюштирган. 2 нафар чегарачи ҳалок бўлган, 3 нафар чегарачи беда-

рак йўқолган. Босқинчилар гуруҳини зудлик билан аниқлаш, қуршиб олиш ва йўқ қилиш мақсадига Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларидаги нобрат штаб тузилди.

Босқинчилар жойлашини муайян бўлган ҳудуд мустаҳкам қуршовга олинди, асосий транспорт йўлларида, аҳоли пунктларига кириш ва чиқиш жойларида постлар ташкил қилинди.

Фаол тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилмоқда. Қўшимча хавфсизлик чоралари кўрилмақда.

■ **(ЎЗА).**

Менинғ ўз юртим бор. Ёт диёрларга Ош билан нон сўраб борган эмасман. Қаровсиз, кимсасиз чалдиворлардай Емрилиб ё нураб борган эмасман. Шунда кўмигандир етти нуштим ҳам, Ўз ўлан-тушагим ўзимникидир. Олтин адирларим, дала даштим ҳам Қулулим, қўй билан қўзимникидир. Оталар бир умр захматлар чеккай Рўзгорнинг тинчию бутлиги учун. Фарзандлар шул сабаб жонларин тиккай Шу ер она-Ватан, юртлиги учун.

Бангвор дунё бу. Чалқаш калалар Мудом ёллонлиқнинг йўли топайлар. Менинғ тоғларимда кезан галалар, Менинғ тоғларимда ўлим топайлар. Шунин биланларки, бунда ҳар бир тош, Ҳар хору хаснинг ўз иззати бордир. Уғил ҳам қизларга ор-номус йўлдош, Улуғ ажодларнинг ҳикмати ёрдир. Ватан берилмагай, олинмагай ҳам, Ҳеч ким юлолмагай дил билан жондан. Кўзу қорачиқлар, кивриқлардай жам, Ватан эъозлангай, асралгай Ватан!

■ **Сирождиддин САЙИД**

Навоий шаҳридаги «Ишонч», «Чинор», «Ватан» маҳалла фуқаролари йиғинларида, Бўхоро вилоятининг Вобкент, Файзулла Ҳўжаев туман ҳокимликларида, Андижон вилояти Кўрғонтепа шаҳар «Самочок» ҳиссадорлик жамиятида, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида, Покириқ туман ҳокимлигида ҳам газандалар қўлини қоралаб, Ватан ҳимоясига бағишланган йиғинлилар бўлиб ўтди.

Ингилишларда Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги эркин ва фаровон ҳаётнинг гарови эканлиги қайд этилди. Сўзга чиққанлар ҳар бир фуқаро ўз оиласини ўзи ҳимоя қилиши лозимлигини таъкидлаш билан бирга мамлакатимиздаги барқарорликка таҳдид солиб, гаразли ниятлар билан юртимизга суғулиб киришмоқчи бўлган қора кўларнинг разил кирдиқорларини кескин қоралади. Бу қабоҳатнинг асосий ташкилотчилари бўлган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби қўли қон ватанфурушларга ўлим тилашди.

ВОҚЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ КАФАНСИЗ ҚОЛГАН ЎЛИКЛАР

Ҳим топшириқлар олинди. Бир сўз билан айтганда душманин янчиб ташлашга барча шай. Тан олиш керак, террорчилар замонавий қўрол-яроққа эга. Улар ҳужум қилиш қийин булган жойларда ҳам қарши ҳужумга утиш усулларини яхши билишади. Бироқ бизнинг аскарлар ҳам бундан қўқомайди.

Тозалаш ишлари давомида даралардан қўрол-аслаҳа оморлари топилади. Унда юзлаб автомат, пулемёт ва гранатамётлар, беҳисоб ўқ-дори, ҳар хил мосламалар бор эди. Ёвузлар Афғонистондаги лагерларда узоқ вақт тай-

родарларимиз, ота-онамиз, келажакимиз булган фарзандларимиз учун курашамиз. Шунинг учун кўкрагимиз қалқон. Рухимиз баланд.

■ **Абдумалик ҲАЙДРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири**



«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ

*Ҳар бир хонадонда тинчлик ва
фаровонлик ҳукм сурсин!*

*Бошимиз узра осмонимиз
мусаффо бўлсин!*

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Барча юртдошларни ва ҳамкорларни
қутлуғ байрам — Ўзбекистон

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ

билан самимий
муборакбод этади.



*Ҳар бир хонадонга тинчлик ва
хотиржамлик тилайди.*

*Юртимиз обод, осмонимиз мусаффо,
дасмурхонимиз тўқин бўлсин.*

«ЎЗАВТОТРАНС»

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Келажаги буюк Ватанимизнинг фидокор ва лафзи ҳалол
фуқароларини **Мустақиллик байрами** билан самимий қутлайди!
Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён ўтган тўққиз йил
мобайнида мамлакатимизда улкан иқтисодий-ижтимоий ва
сиёсий ислохотлар амалга оширилди. Республиканинг
иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга корпорациямиз ҳам
муносиб ҳисса қўшаётганлигидан фахрланамиз.
Жамоамиз халқ хўжалиги юқларининг ва йўловчиларнинг
манзилларига ўз вақтида етиши учун доимо камарбастагир.



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!
Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлиб, ҳар бир
хонадондан файзу-барокот арамасин!



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ТУРОН»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT
БИРЛАШТИРУВ
БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

9 йиллиги байрами муносабати билан Сизларни муборакбод эта-
ди ва шу билан бирга Сизларга жисмоний шахсларнинг муддатли ома-
натлари бўйича фоиз ставкаларининг ошганлигини маълум қилади. Сиз-
ларга ўз хизматларини таклиф қилади ва бўш турган маблағларингизни
жамғармаларга қабул қилади.

Банкнинг барча вилоятлардаги жамғарма кассалари Сизларнинг
мблағларингизни чегараланмаган миқдорда жамғармаларга
қабул қилади. Банк Сизнинг жамғармангиз ҳажмини сир сақлашга ва
уни биринчи талабингизга биноан беришга кафолат беради. Маблағла-
рингизни Сиз танлаган жамғарма турига жойлаштириб, банк Сизнинг
капиталингизни кўпайтиради.

«ТУРОН»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БИРЛАШТИРУВ БАНКИ
СИЗГА ЖАМҒАРМАНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИНИ
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Омонатнинг тури ва муддати	Даромад фоизи	Дастлабки энг кам бадал
Нафосат (12 ой)	йилига 36%	3000 сўм
Олмос (6 ой)	6 ойга 18% ва 1% мукофот	2000 сўм
Истиқлол (3 ой)	3 ойга 9%	1000 сўм
18 ёшгача (5 йилдан кам эмас)	йилига 40%	100 сўм
Орзу (3,6 ва 12 ой)	йилига 36% ва ҳар ойлик капиталлаштириш	2000 сўм

Бундан ташқари номинали **1000 сўм бўлган оддий ва имтиёзли** акциялар
банкнинг барча филиалларида **сотилаётганлигини** маълум қиламиз.

БИЗ ҲАР ДОИМ СИЗ БИЛАН ВА СИЗ УЧУН!

БОШ МУХАРРИР

АЗИМ СУЮН

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулхалиф

ЖАЛОЛОВ

Қозоқбой

ЙУЛДОШЕВ

Ислам ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

(бош мухаррирнинг

биринчи ўринбосари)

Алимулла СУЛТОНОВ

(бош мухаррир

ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ

(бош мухаррир ўринбосари

«Голос Узбекистана»)

Бахтиёр ҲАМИДОВ

(масъул котиб —

«Узбекистон овози»)

Валерий ЛАБАРШНИХ

(масъул котиб —

«Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат ва хужум —

133-44-55

Иқтисодийёт —

133-76-04

Маънавият —

133-07-20

Хатлар ва

ошмавий

ишлар —

133-12-56, 136-55-16

Ахборот —

133-12-56

Котибият —

133-21-43

Реклама ва эълонлар

133-47-80, 133-38-55,

Факс —

133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ

МУХБИРЛАРИ:

Андижонда —

25-16-16;

Бухорода —

23-51-40;

Гулистонда —

25-16-22;

Жиззахда —

3-29-44;

Навоийда —

3-39-20;

Наманганда —

6-43-43;

Нукусда —

222-70-12;

Самарқандда —

35-20-54;

Тошкентда —

136-53-16;

Урганчда —

226-51-35;

Фарғонада —

26-46-84;

Қаршида —

4-61-35;

Термизда —

3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

70000, ТОШКЕНТ,

МАТЕУТЧИЛАР

КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Шоҳидар МИРҲАБИБОВ

Газета «Узбекистон овози»

нинг компьютер марказида

терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи

Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтти тартиби

№ 00004

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Узбекистон овози»

материалларини кўчириб

босиш фақат тахририят

руҳсати билан амалга

оширилди.

Г — 702

Топширини вақти -- 21.00.

Топшириди --

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«БУХОРО ДОН МАҚСУЛОТЛАРИ»

ҲИССАДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

*Серқуёш днёримизнинг барга фуқароларини, валлакор
бободехқонларимизни ва ҳамкасбларимизни Мустақиллик
куни муносабати билан қизини муборақбод этади.*

*Мамлакатимиз ўз истиқлолининг тўққиз йили ичида шундай
катта ютуқларга эришдики, булар асрларга татийди.*


*Эндиликда юртимизда дон ва нон мустақиллигига эришилганлиги
ҳаммамизни қувонтирмоқда.*

*Бухоролик бободехқонлар ҳам табиат қийинчиликларига қарамай ғалладан мўл
ва сифатли ҳосил кўтаришди. Айни пайтда бизнинг корхоналаримизда ана шу
хомашёдан халқимизга манзур бўладиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.*

*Биз шунга чуқур ишонч ҳосил қилдикки, Ватан мангу, Истиқлол мангу,
халқимизнинг умри боқийдир!*

*Ватан Истиқлоли, эркини бугун,
Асрамоқ ишидир имони бутнинг.
Билинг, дастурхони тўкиндир бу кун
Олтин бошоқларга кўмилган юртнинг.*

*Ноннинг увоғи ҳам нон эрур асли,
Топтаманг, нонли уй кўзга суртгулик.
Ватан, сени бугун куйламоқ васфи,
Васлинг-чун жон-танни фидо этгулик.*



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА